O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 21-avgust • Shanba • 97 (31.217) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»

## Мустақиллик халқимиз учун янги-янги имкониятлар яратди

— Мен Ватанимиз истиқлолга эришган 1991 йилда туғилганман, **— дейди паркентлик Раъно Тўлаева.** — Болалигимдан ўқитувчилик касбига ҳавас қилганман. Бунга фақат ва фақат интилиш, изланиш ва тинимсиз меҳнат орқали эришиш мумкинлигини яхши англардим. 2010 йил мен учун омадли келди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг рус тили ва адабиёти факультетига ҳужжат топшириб, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим.

Биз ёшларга яратиб берилган шароит ва ғамхўрликлар учун Президентимизга минг раҳмат.

— Ўғлимни спорт мактабига олиб борганимда ўн ёшда эди, — дейди **Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган олимпиада ўйинлари бронза медали соҳиби Диёрбек Эргашевнинг отаси Абдуҳамид Эргашев.** — Мен ҳам эркин кураш билан шуғулланганман, бироқ ишонасизми, ўша даврдаги аҳвол билан бугунгисини ҳеч солиштириб бўлмайди. У пайтларда машқларни бажаришимиз учун ҳатто оддий резинали ускуналарни топиш амримаҳол эди. Ёдимда, бир йили вилоят чемпионатида ғолиб бўлганимда мукофотга арзимас оёқ-кийим беришган, холос...

*Диёрнинг мактабида яратилган шарт-шароитларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаганман. Биз буни фақат орзу қилганмиз. Жисмоний машқларни бажариш учун барча турдаги техник ускуналар, замонавий сузиш ҳавзаси, шинамгина спорт зали...*

Ўйлайманки, спортга, хусусан, курашга берилаётган беқиёс эътибор, яратилаётган шароитлар самараси ўлароқ Диёр сингари яна ўнлаб, юзлаб болаларимиз жаҳон майдонларида ғолиб бўлишади.

— Жончекка қишлоғи Сурхондарё вилояти марказидан қарийб 200 километр олисда жойлашган **— дейди Узун агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Менгали Раҳматов.** — Ўқув масканимиз ўтган йили фойдаланишга топширилганди. Бу даргоҳ қурилишига давлатимиз 2 миллиард 931 миллион сўм сарфлади. Айни кунда бу ерда қишлоқ ёшлари бухгалтерия, компьютер, қишлоқ хўжалик машиналарини механизациялаштириш каби 7 та йўналиш бўйича ҳунар эгаллашмоқда.

*Қишлоғимизда истиқлолга қадар ёшлар учун шарт-шароит йўқ эди ҳисоби. Мактаб битирувчиларининг аксариятини ишсизлик қийнарди. Бугун шароит ўзгарди. Чақар, Эшонқишлоқ, Жончекка маҳаллаларининг ҳар бирида қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Янги турар-жой бинолари эса маҳаллаларга янада кўркамлик бахш этган.*

Озод ва обод юртимиз қишлоқлари бугун шаҳар билан бўйлашмоқда.

Қишлоғимиз чегарада жойлашган. Қўшни давлатлардаги нотинчлик, етишмовчиликларни билиб турамиз. «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», дейди халқимиз.

Инсон манфаати, унинг қадр-қиммати улуғланган юртимиздаги тинч, фаровон ҳаёт қадрига етмоғимиз керак.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ ёзиб олди.**









Мукимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

## Бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдириб бўладими?

**ЎзХДП ҳаёти**

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия ташкилотлари етакчилари ҳамда фаоллар иштирок этишди.

Пленумда асосий эътибор Фарғона вилоят партия ташкилоти фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги масалага қаратилди. Бу ҳақда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов маъруза қилди.

Маърузачи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида давлатимиз раҳбари урғу берган устувор вазифаларга эътибор қаратди. Партиянинг электорат билан ишлаш, бунда замонавий усуллар ва давр синовидан ўтган сиёсий технологиялардан оқилона фойдаланиш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кучайтириш, қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан малакали назоратни таъминлаш масалаларига атрофлича тўхталди.

Пленумда ЎзХДП Фарғона вилоят ташкилоти партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур ташкилий ва сиёсий имкониятларга эга экани қайд этилди. Аммо охирги йилларда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланилмаётир. Вилоят партия ташкилоти раҳбарияти 2009 йил сайлов жараёнида вазиятни баҳолашда ўта хотиржамлик ва бепарволикка йўл қўйди. Натижада Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари орасида ЎзХДП вакиллари сезиларли даражада камайди. Сайлов натижалари танқидий равишда кўриб чиқилмагани оқибатида бой берилган имкониятни тиклаш учун зарур чоралар кўрилмади.

→2

*Ҳеч ким эътибордан четда эмас* →3

*Истиқлол бахш этди олий шарафни* →4

*Мамлакатингиздаги фаолиятим давомида барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлмоқдаман. Шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир: йўллар кенгайтирилиб, кўплаб муҳташам иншоотлар барпо этилмоқда, муқаддас қадамжолар обод этилмоқда. Ўзбекистонда аждодлардан қолган илмий, маданий ва маънавий мерос чуқур эҳтиром билан ўрганилиши ва қадрланишидан ибрат олса арзийди. Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг тўғри йўлини танлаган. Босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир. Юртингизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастури нечоғли самарадор эканини мамлакатда иқтисодий бўҳрон таъсири сезилмаётганидан ҳам билиш мумкин».*

**Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ, Кувайтнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси**





1991

***«...Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввалambор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади».***

2010

**«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан**

## *Дарахт бўлсин ниҳол имконларингиз* 

→4

**«Ниҳол» — 2010**

■ Ўтган ҳафтада Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Ниҳол» мукофотининг бу йилги ғолиблари номи эълон қилинди. Кўплаб ёш истеъдод эгаларини юзага чиқаришга хизмат қилаётган танлов бу йил ўнинчи бор ўтказилди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида ҳам «Ниҳол» мукофотининг республика саралаш босқичи ва ғолиблари иштирокидаги концерт дастури юқори даражада ташкил этилиши таъкидлаб ўтилган эди.







■ Сингапур олимпиадасининг беш кунлик мусобақаларидан кейин мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси битта кумуш, учта бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 201 давлат спортчилари ўртасида 31-ўринни эгаллаб турибди.

## *«Ўзбекистонга ғалаба билан қайтамиз»*

Олимпиадада 60 та давлат спортчилари медаллар билан тақдирланганини, 144 та давлат вакиллари эса ҳали бирорта медаль қўлга киритмаганини ҳисобга олсак, ўзбекистонлик ёш спортчиларнинг қўлга киритаётган натижалари кўпчиликнинг ҳавасини келтирмоқда. Ҳали олдинда бокс, дзюдо, бадиий гимнастика, ўқ отиш ва стол тенниси мусобақаларига қатнашадиган жаҳон ва Осиё биринчиликларида совриндор бўлган шижоатли ёшларимиз бор.

Мусобақанинг бешинчи куни ҳам вакилларимиз учун омадли келди. Уч ҳатлаб сакрашнинг саралаш мусобақаларида қатнашган Анастасия Байкова 12 м 33 см, Руслан Қурбонов эса 15 м 12 см натижалари билан иккаласи ҳам 6-ўринни эгаллаб, 23 август куни ўтказиладиган финалга йўлланма олди. Спорт гимнастикасининг кўпкураш мусобақасида 50,7 балл жамғарган Дилноза Абдусалимова 42 нафар қатнашчи орасида 14-ўринни эгаллади. Унинг жамоадоши Эдуард Шаулов шундай мусобақада 16-ўрин билан кифояланди.

Кеча спорт делегациямиз дам олди. Сингапурнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди. Спортчиларимизнинг кайфияти кўтарилди. Ўзлари қатнашадиган мусобақаларда ғалаба қозониш учун ҳозирлик кўра бошлашди. Демак, Сингапурдан хушхабарлар кутиб қоламиз. Спортчиларимиз учун ҳам, биз учун ҳам ҳаяжонли лаҳзалар ҳали олдинда.

**Асрор МЎМИНОВ**

ОБ-ҲАВО 21-22.08.2010

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 38°C | 39°C |
| Самарқанд | 39°C | 40°C |
| Нукус | 39°C | 40°C |
| Қарши | 42°C | 41°C |
| Урганч | 39°C | 40°C |
| Навоий | 38°C | 39°C |
| Фарғона | 37°C | 38°C |
| Бухоро | 38°C | 39°C |
| Андижон | 37°C | 38°C |
| Наманган | 37°C | 38°C |
| Термиз | 42°C | 43°C |
| Жиззах | 38°C | 39°C |
| Сирдарё | 38°C | 39°C |
| Тошкент вил. | 38°C | 39°C |
| Лондон | 33°C | 34°C |
| Париж | 37°C | 38°C |
| Москва | 37°C | 35°C |
| Мадрид | 37°C | 38°C |
| Пекин | 35°C | 34°C |
| Гонгконг | 38°C | 40°C |
| Рим | 35°C | 37°C |
| Анқара | 34°C | 36°C |
| Токио | 34°C | 35°C |
| Стокгольм | 33°C | 35°C |
| Кейптаун | 24°C | 23°C |
| Қоҳира | 33°C | 34°C |
| Гавана | 40°C | 38°C |
| Вашингтон | 27°C | 26°C |

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 17 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1435,02 | 1 Миср фунти | 282,78 | 1 СДР | 2436,38 | 10 Жанубий Корея вони | 13,53 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2511,21 | 1 Канада доллари | 1547,84 | 1 Туркия лираси | 1062,16 | 10 Япония иенаси | 187,75 |
| 1 БАА дирҳами | 435,33 | 1 Хитой юани | 236,84 | 1 Швейцария франки | 1533,99 | 1 Россия рубли | 52,97 |
| 1 АҚШ доллари | 1611,30 | 1 Малайзия ринггити | 506,54 | 1 Евро | 2102,45 | 1 Украина гривнаси | 204,22 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Ҳеч ким эътибордан четда эмас

**Ижтимоий ҳимоя**

Таълим даргоҳларини тамомлаётган ёшларни соҳасига йўналтириш ва иш билан таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. Буни ҳал қилишда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг ўрни катта.

Бу ҳақда Шайхонтоҳур туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Шоҳруҳ ХЎЖАЕВ билан суҳбатлашдик.



***— Бу йил режага биноан туман миқёсида қанча янги иш ўринлари яратиш белгиланган?***

— Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 сентябрдаги Фармойишига асосан, ҳудудий дастуримизга кўра ўтган олти ойда 4185 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган эди. Йирик корхона ва ташкилот, кичик бизнес субъектлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бирлашма ва фирмалар ҳамда бошқа субъектлар томонидан 4242 та янги иш ўрни яратилди.

***— Бирор-бир касб ёки ҳунарга эга бўлмаган айрим ишсиз кишиларга қандай ёрдам кўрсатилмоқда?***

— Бундай ҳолда биз уларга шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қошидаги ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказига йўлланма берамиз. Шу йил июнь ойида 64 нафар фуқаро шу тариқа касбга йўналтирилди. Ўтган олти ой давомида 298 нафар хотин-қиз ва 164 нафар йигит-қиз ўқув марказида мутахассислик бўйича сабоқ олди. Марказда аёллар кийими тикувчиси, тикувчи-оператор, электр-газ пайвандловчи, дурадгор, ЭҲМ оператори, ҳисобчи, сартарош, ошпаз-қандолатчи каби 21 турдаги касб ва ҳунар ўргатилади. Марказни битирганларга махсус гувоҳнома берилади ва хоҳишига кўра ишга жойлаштирилади.

***— Жисмоний имконияти чекланган кишиларни иш билан таъминлаш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?***

— Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги «Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Қарори асосида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва, айниқса, ишсизликнинг олдини олиш борасида зарур чоралар кўрилмоқда. Чунончи, жорий йилда туманимиздаги 74 та корхона ва ташкилотда 1440 та махсус (квота) иш жойлари ташкил этилди. Бу иш ўринларига бизнинг марказимиз йўлланмаси билан июнь ойининг ўзида 19 нафар, йил бошидан эса 146 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Умуман олганда, туманимизда истиқомат қилувчи имконияти чекланган кишиларга янги иш ўринлари яратиш ва уларни иш билан таъминлаш асосий вазифаларимиздан бири саналади.

— Бундан ташқари, марказимиз қошида ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминлаш гуруҳи фаолият кўрсатади. Гуруҳнинг вазифаси биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг уй юмушларига қарашиш, доимий ғамхўрлик кўрсатишдир. Қолаверса, қаровчисиз қолган кексаларга ҳар ойда тўққиз турдаги маҳсулот текин тарқатилмоқда. Бундан ташқари, туманимизда яшовчи жисмоний имконияти чекланган фуқаролар навбат билан зарур мосламалар билан таъминланади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.**

Хорижда

## Икки йирик авиакомпания

*бирлашуви эълон қилинди*

Апрель ойининг бошларида Испаниянинг «Iberia» ва Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпаниялари маъмуриятлари йил охиригача авиакомпаниялар бирлашувини якунига етказиш ва икки авиакомпания негизида янги «International Airlines Group» авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги битимни имзолаганди.



Эндиликда Чилининг «LAN Airlines» ва Бразилиянинг «TAM Linhas Aereas» деб номланган йирик авиакомпаниялари ҳам бирлашиб, янги «LATAM Airlines Group» холдингини ташкил этиш ҳақида келишиб олдилар. Улар шу йўл билан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини «кесишмоқчи».

«LAN Airlines» авиакомпаниясига 1929 йил 5 мартда Сантьяго-де-Чилида асос солинган. У 2004 йилгача «LAN Chile» номи билан фаолият кўрсатган. Бугунги кунда мазкур авиакомпания Аргентинада, Доминикан Республикасида, Перу ва Эквадорда ўз филиалларига эга. Компаниянинг 97 та ҳаво кемаси бор.

«TAM Linhas Aereas» авиакомпанияси эса 1961 йил 21 февралда Сан-Паулуда ташкил топган. У Бразилиянинг энг йирик авиакомпанияси ҳисобланади. Йўловчи ташиш бўйича Жанубий Америкада етакчилик қилади.

## Тинч аҳоли орасида

*қурбонлар кўпайиб бормоқда*

БМТ ҳисоб-китобларига қараганда, кейинги пайтларда Афғонистонда жанговар ҳаракатлар боис тинч аҳоли орасида қурбон бўлганлар ва яраланганлар сони кўпайиб бормоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 31 фоизга ортган.



Жорий йилнинг биринчи ярмида 1200 нафар тинч аҳоли вакили жанговар тўқнашувлар қурбони бўлган, 1997 киши эса турли даражада тан жароҳати олган, дея хабар беради «BBC».

Қурбонларнинг 76 фоизи «Толибон» ва бошқа террорчилик гуруҳларининг босқинчилик ҳаракатлари давомида нобуд бўлган, 24 фоизи эса НАТО контингентининг нотўғри, адашиб амалга оширган жанговар операциялари даврида бомбардимонга учраган.

Яна БМТ маълумотларида алоҳида қайд этилишича, жорий йилда 176 нафар вояга етмаган бола жанговар ҳаракатлар қурбонига айланган, 389 нафари эса турли даражада тан жароҳати олган. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 55 фоизга кўпдир. Уларнинг асосий қисми террорчилар томонидан амалга оширилган портлашларда нобуд бўлган.

Жангари гуруҳлар томонидан қатл этилганлар ярим йилда 95 фоизга ортганлиги жуда ачинарли ва қайғули ҳолдир. Шу боис БМТнинг Афғонистондаги тинчлик миссияси «Толибон» етакчиларига мурожаат этиб, қон тўкишни ва тинч аҳоли вакилларини ўғирлаб, гаровга олишни тўхтатишга чақирди.

## Ёнғиндан кўрилган зарар

*450 миллиард рублга етди*

Россиялик таҳлилчиларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, салкам икки ойдан бери давом этаётган ўрмон ёнғинларидан кўрилган зарар 450 миллиард рублга бориб қолди.

«Коммерсант» газетасида чоп этилган хабарга қараганда, кўрилган талофот 2010 йилги ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизига тенгдир.

# Хитойда намойиш этилади

Хитой Халқ Республикаси ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегациянинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон — Хитой бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбир давомида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «China Foreign Trade Centre» компанияси ўртасида икки томонлама битим имзоланди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда жадал ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлмоқда.

Бу галги делегация ХХР Тижорат вазирлиги ва «Canton Fair» халқаро кўргазма-ярмаркаси ташкилотчиси — «China Foreign Trade Centre» компаниясининг раҳбарлари ва вакилларидан иборат.

Ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказиладиган «Canton Fair» халқаро кўргазмасининг афзалликлари тўғрисида кенг маълумот бериш, Ўзбекистоннинг инвестициявий имкониятларини ўрганиш, ўзбекистонлик ва хитойлик тадбиркорлар, кўргазма ташкилотлари ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Хитой бозорига олиб чиқишдан иборатдир.

— «Canton Fair» кўргазмаси ташкилотчиларининг халқаро инвестициялар соҳасида истиқболли мамлакатларга бориши анъанага айланган, — дейди Ўзбекистон — Хитой савдо уйи раҳбари Ҳикмат Абдураҳмонов. — Жорий йилда мамлакатимиз ҳам мазкур рўйхатдан жой олди. Сўнгги уч йил мобайнида юртимиздаги компаниялар вакилларининг мазкур халқаро кўргазма-ярмарка билан танишиши учун Хитой Халқ Республикасига олти маротаба ташрифини уюштирдик.

**(ЎзА)**

**Ҳуқуқий ислоҳот**

Мустақиллик йиллари жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бундан мақсад — суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд ҳимояси самарадорлигини ошириш ҳамда суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратишдан иборат.

# Суд обрўси ва ижро самарадорлиги

Таъкидлаш лозимки, ижро иши юритишга оид ислоҳотлар ҳам босқичма-босқич олиб борилмоқда. Негаки, қонун ҳужжатларига мувофиқ Суд департаментига суд қарорларини ижро этиш бўйича бир қатор қўшимча вазифалар, хусусан, бюджет олдидаги боқиманда қарзларни қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан мажбурий ундириш, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёки сотиш, молиявий жарималарни тадбиркорлик субъектларидан суд тартибида ундиришнинг юкланиши суд ижрочилари иш ҳажмининг кескин ошиб кетишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида суд қарорларининг мажбурий ижро этиш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи янги механизмни, шунингдек, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаган ва тўсқинлик қилган қарздорларни жавобгарликка тортишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратиш, ижро жараёнида суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришни тақозо этди.

Натижада «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун тасдиқланди ва 2009 йил 15 январда кучга кирди. У орқали Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Ер, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Масалан, Жиноят кодексининг 232- ва 233-моддаларининг олдинги таҳририда фақат мансабдор шахсларнинг суд ҳужжатини ижро этмагани учун жавобгарлиги белгиланган бўлиб, жисмоний шахсларнинг жавобгарлик масаласи кўзда тутилмаган эди. Бу ҳолат суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги тамойилини бузаётганди. Бунга барҳам бериш мақсадида Жиноят кодексининг кўрсатилган моддаларига фуқароларнинг жавобгарлиги масаласи киритилди.

Бундан ташқари, хатланган мол-мулкнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексида банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан хатланган пул маблағлари билан банк операцияларини амалга оширганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, қарздор суд ҳужжати талабини қонунда белгиланган ихтиёрий муддатда бажармаганлик учун маъмурий тарзда жавобгар бўлади.

Ижро амалиётида қарздор — жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши ижро ҳужжати ижросини сезиларли даражада қийинлаштиришини инобатга олиб, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги қонунлари қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетишини вақтинчалик чеклаш тартибини белгилайдиган алоҳида модда билан тўлдирилди. Шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, Ички ишлар идоралари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

Унга кўра, суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор — жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда суд ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор — жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Бундан ташқари, мажбурий ижро жараёнида ундирув қаратилиши мумкин бўлган янги объектлар белгилаб олинди. Унга мувофиқ ундирув қимматли қоғозларга, ташкилотлар, улар мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) мол-мулкига, қарздорга тегишли бўлган мулкий ҳуқуқларга, қарздорнинг дебиторлик қарзига, суриштирув, тергов органларининг ва суднинг депозит ҳисоб варақларида вақтинча сақланаётган пул маблағларига, давлат бюджети ва бюджет муассасаларининг пул маблағларига қаратиш мумкинлиги кўрсатилди.

Айтиш керакки, қонунга киритилган ўзгаришлар ўзининг самарасини бераяпти. Мисол учун, Фарғона вилоят хўжалик судининг 2010 йил 26 мартдаги қарорига асосан қарздор «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» шўъба корхонасидан ундирувчи Фарғона шаҳар ДСИ фойдасига 22,0 млрд. сўм солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича суд ижрочиларининг Фарғона шаҳар бўлими томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг Сирдарё, Жиззах ва Нуробод нефтбазасидан дебитор қарздорлиги мавжудлиги аниқланди.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг $48^5$-моддасига асосан қарздорнинг дебитор қарздорларнинг ҳисобварақларига инкасса топшириқномаси қўйилиб, 2 млрд. 263,0 млн. сўм пул маблағлари ундирилиб, давлат фойдасига ўтказилди.

Шунингдек, қонун берган имкониятдан фойдаланиб ижрони амалга ошириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, жами 44 та тадбир изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, суд қарори ижроси таъминланмас экан, унинг оддий қоғоздан фарқи қолмайди. Мажбурий ижро механизмининг такомиллаштирилиши эса фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, уларнинг судга бўлган ишончи ортишига хизмат қилади.

**Алишер МАДАМИНОВ,
Суд департаментининг Хўжалик судлари қарорларини ижро этиш бўлими бошлиғи.**

**Мусиқа сеҳри**

Ҳиндистондан қайтиб келганимда, Абутолиб мендан бу мамлакат ҳақида жуда кўп нарсаларни сўради. Мен ҳинд сеҳргари най чалиб, ҳатто кобрани балеринага ўхшатиб ўйнатгани тўғрисида гапириб бердим.

**Расул ҲАМЗАТОВ**

# Сурнай ва скрипка

*«Менинг Доғистоним» асаридан*

— Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ, — деди Абутолиб. — Ахир, бизнинг чўпонларимиз ҳам най чалиб, тоғ такаларини ўйнатишади. Ўзим кўрганман, энг ҳуркак буғулар ҳам мусиқани эшитиб, яқинлашиб келишган. Яна сурнай ноласини тинглаб, тоғдаги айиқлар дорбозларга ўхшаб юрганини ҳам кўрганман. — У бир оз жимликдан кейин кўнглини очди: — Ҳаётимда мусиқа менга ҳам ёрдам берган. Сен яхши биласан. Мен созлар ичида сурнай чалишни кўпроқ ёқтираман. Унинг овози узоқ-узоқларга етади. Сурнай чақалоқ туғилганда, меҳмон келганда ва тўйда чалинади. Ким курашда ғолиб чиқса, ким пойгада ўзса, у сурнай чалиниб шарафланади. Сурнай мусиқа асбоблари ичида мисоли тамадди. Мен сурнайни ёшлигимда тирикчилигимни ўтказишимга ёрдам бергани учун қадрлайман. Ҳозир сенга ёшлигимда бўлган сурнай билан боғлиқ битта воқеани сўзлаб бераман.

Ҳали ёш эдим. Тоғдаги узоқ овулдан тўйга таклиф қилишди. Қиш, гупиллаб қор ёғаяпти. Бундай вақтда йўл ҳам унмайди. Чарчаб, тош устига ўтирдим. Овулга етиб олиш учун бир ўрама тамакини чекканча вақт керак. Бирдан йўлда қўнғироқларини жиринглатиб файтон пайдо бўлди. Файтонда масталаст уч киши бақириб-чақириб суҳбатлашарди. Уларнинг бадавлат эканликлари шундоқ кўриниб турарди. Отларнинг бири қанддай оппоқ, иккинчиси қарғадай қора, фақат тумшуғи оқ. «Ассалому алайкум» — «Ваалайкум ассалом». Улар тўйга боришаётганини билгач, мени ҳам файтонда олиб кетишларини сўрадим. Улар ҳозирги тарбиясиз шофёрлар каби рад жавобини беришди, бунинг устига мени масхара қилишди: «Ҳеч қиси йўқ. Овулдаги кейинги тўйга етиб борарсан. Бу тўй сенсиз ҳам ўтади».

Ранжиганимдан чарчоғим ҳам ёзилиб кетди, ёнимдан сурнайимни олиб чала бошладим. Ҳали сурнайни шундай шавқ билан чалмаганман. Шунда мўъжиза юз берди. Сурнай навосини эшитиб, отлар ерга қоқилган қозиқдай таққа тўхташди. Йўловчилар жаҳли чиқиб, қамчи билан отларни савалашди, бари бефойда. Отлар жойидан жилмасди. Уларга сурнай навоси ёққани сезилиб турарди. Хуллас, отлар менинг тарафимни олишгани учун эгалари файтонга чиқаришди. Сурнай ўша кезда шундай ёрдам берган. Қўшиқ эса мени ертўладан катта йўлга чиқарган, ҳурмат-эътиборга сазовор қилган.

Мен Абутолибдан сўрадим:

— Сиз найни, сурнайни, пуфлама бошқа мусиқа асбобларини чала оласиз. Чалишгина эмас, бу мусиқа асбобларини ўзингиз ҳам ясайсиз. Нега скрипка чалмайсиз? Ахир, тоғликлар скрипка овозини жуда яхши кўришади.

— Нега скрипка чалмаслигим сабабини айтиб бераман. Эшит, ёш вақтимда скрипка ҳам чалганман. Кунлардан бир кун бизнинг лак овулимизда қийналган, ич-ичидан эзилиб юрган авар пайдо бўлди. У овулдошини беҳосдан ўлдириб қўйгани учун ҳайдалган экан. Сургун қилинганларга овулнинг чеккасидан жой берилади. Одамлар у билан алоқа қилишмайди. У ҳам одамларга қўшилмайди. Мен озгина авар тилини билганим учун унинг ёнига бориб турардим. Бир куни кечқурун скрипкамни олиб бордим. У ўчоқ ёнида ўтириб кастрюл тагидаги оловга сомон ташларди, қизиғи, кастрюл ичида ҳам сомон қайнарди. Мен скрипкани чала бошладим, бахтиқаро авар оловга тикилганча жим тинглади. Кейин қўлимдан скрипкани олди, у ёқ бу ёғига қаради, қулоғини бураб торларини созлади ва чалди.

Расул, унинг қандай чалганини сўз билан таърифлай олмайман. Ҳеч қачон у чалган куйни унутмасам керак. Ҳатто куйдан ўчоқдаги сомон чарсиллаб ёнди. Баъзан сомон ярқ этиб ёниб, кўзларимни қамаштирди. Ўз-ўзидан кўзларимдан ёш томчилади. Мен скрипкани қолдириб, уйга қайтдим. Эртаси куни тоғдаги овулга чиқиб, уни ўлдириш қасдида юрган одамларни топдим. Уларни овулга бошлаб келдим, кундуз уйимизда меҳмон бўлди, кечқурун ҳаммамиз душмани скрипкада ижро этадиган куйни тинглагани бордик. Шу тариқа уч кечқурун унинг скрипка чалишини тингладик. Тўртинчи кун қасос олиш учун келган кишилар ниятидан қайтишганини айтишди. Улар овулдошига шундай дейишди: «Уйингга қайт, биз сени кечирдик».

Авар уйига қайтар экан, скрипкамни узатди, мен олмадим. Унга дедим: «Сендай чалишни ҳеч қачон ўргана олмайман. Ёмон чалишни эса истамайман. Шу боис скрипка энди менга керак эмас». Ўшандан кейин бошқа скрипка ушламадим. Баъзан ўйлаб қоламан, агар одамлар скрипкадан тараладиган шундай ажиб наволарни тинглашганда эди, дунёда ёвузлик, душманлик қиладиган кишилар қолмаган бўларди.

**Асрор МЎМИН таржимаси.**

# Истиқлол бахш этди олий шарафни

**Янги шеърлар**

■ Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

## Баркамол авлод қўшиғи

*Хаёлимни, юртим, нурга ўрайман,*
*Жамолингни мудом обод кўрай ман.*
*Яратгандан бахту омад сўрайман,*
*Буюк Ўзбекистон, мардона озод,*
*Барқ урсин кўксингда завқ тўла ижод!*

*Шу Ватан ичинда нурли бир изман,*
*Ватанни куйлаган мафтун ҳофизман,*
*Олмосдай ўткиру гулдай нафисман,*
*Эй, гўзал ўзбегим, мангу бўл обод,*
*Бағрингда улғаюр баркамол авлод!*

*Истиқлол бахш этди олий шарафни,*
*Кўзга равшан этди барча тарафни,*
*Безавол сақлаймиз озода сафни,*
*Дилларда барқарор олий эътиқод,*
*Ватаним доимо бўл шоду обод!*

*Куйларим диллардан дилларга кўчсин,*
*Неча бир элларни меҳр ила қучсин,*
*Яхшилик порласин, ёмонлик ўчсин,*
*Улуғ аждодларнинг сўзи дилда ёд,*
*Ватаним доимо бўл шоду обод!*

*Муқаддас иймонни ҳеч тарк этмайман,*
*Ғанимга ҳеч қачон бўйин эгмайман,*
*Шу юртни Улуғим, Онам дегайман,*
*Хаёлимда мудом қўшиқ ва ижод,*
*Ватаним бағрида яйрайман озод!*

*Дўстларим, куйимга бўлинг жўравоз,*
*Яшнасин юртимда баҳор ила ёз,*
*Инсонни чин дилдан этурман эъзоз,*
*Ватаним, довруғинг кундан-кун зиёд.*
*Сенга садоқатдир бизнинг қасамёд!*

## Илҳом кечаси

*Бул кеча кўнгилга шеъру илҳом тўлғазурман,*
*Гўёки нафис шарбат ила жом тўлғазурман.*

*Ҳар томчида изҳор этибон меҳру муҳаббат,*
*Юртим шаънига иззату икром тўлғазурман.*

*Ҳар бир қадамимда неча бир мўъжиза мавжуд,*
*Ёзиб таърифин субҳ ила оқшом тўлғазурман.*

*Ҳар лаҳзага бахшида этиб мангу баҳорни,*
*Гўёки Миср саҳнида эҳром тўлғазурман.*

*Ҳар яхши ният айланажак нурли сатрга,*
*Ҳар мисрага минг маъно саранжом тўлғазурман.*

*Мардона тасаввур ила шўх жилвалар айлаб,*
*Ҳар дилга қувонч, бахт ила ором тўлғазурман.*

*Инсонга қанот бўлса агар — шеъру ғазалдир,*
*Машқимни этиб ҳар шому айём тўлғазурман.*

## Бу дунё

Турфа синоатга бойдир бу дунё,
Чала ўрганилган Ойдир бу дунё.

Қайдадир жаннату дўзах демагил,
Уларга маскану жойдир бу дунё.

Ҳар битта саломга «алик» муҳайё,
Ўқ бўлсанг, агарчи, ёйдир бу дунё.

Меҳнату фикрдан ҳосил муддао,
Муттасил югурган сойдир бу дунё.

Ялқов насибаси гар кўлмак эрса,
Ишчанга асалу мойдир бу дунё.

Муҳаббат оламни ёритган қудрат,
Ишқсизга бир тутам лойдир бу дунё.

Бахтлидир ким юртга фидо этган жон,
Нобакор ҳолига войдир бу дунё.

## Савоб ва жавоб

**Ҳар эзгу юмушнинг бор савоби,**
**Ҳар яхши-ёмоннинг ўз жавоби.**

**Ким фитна ёқиб қўзғади ғавғо,**
**Кутгай уни ҳам дўзах азоби.**

**Ҳар ўлкада юз муаммо мавжуд,**
**Кўнгилда унинг юз изтироби.**

**Ўрмонда дарахт ёнса-ёнар дил,**
**Бир оила дарди-ғам китоби.**

**Қатрани қадр айла, ҳаётдир,**
**Олтинча эрур томчи ҳисоби.**

**Оламни, Меҳр, мунаввар айла,**
**Завқ берсин кўнгилга бахт шароби.**

**Дунёга яшашга келди Инсон,**
**Ҳар дилни ёрит, Ишқ офтоби.**

# Вадим Меньков финалга чиқди

**Каноэчимиз жаҳон чемпиони унвонини муносиб ҳимоя қилмоқда**

**Спорт**

■ Польшанинг Познан шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида дунёнинг 71 мамлакатидан келган энг кучли спортчилар қаторида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам совринли ўринлар учун курашмоқда.

Яккаликлар ўртасида 1000 метр масофага каноэда эшкак эшиш бўйича амалдаги жаҳон чемпиони, жаҳон кубоги соҳиби ва жаҳоннинг 2009 йилдаги энг яхши каноэчиси — Вадим Меньков бу гал ҳам олтин медалга даъвогарлик қилмоқда.

Моҳир спортчимиз дастлабки саралаш мусобақасидан муваффақиятли ўтди. Ярим финалда тезликни янада оширган ҳамюртимиз бир километр масофани 4,3 дақиқада босиб ўтди ва финалга йўлланма олди. 21 августга белгиланган ҳал қилувчи беллашувда энг кучли саккиз нафар спортчи қатнашади. Шунингдек, Вадим Меньков 500 метр масофага эшкак эшиш баҳсларида ҳам ғолибликка асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

# Дарахт бўлсин ниҳол имконларингиз



**Мадина МУМТОЗ:**

— Ғолиб сифатида мени эълон қилишганида қулоқларимга ишонмадим. Биз каби ёшлар учун мана шундай мукофотларни жорий қилган Президентимизга миннатдорлик билдираман. Эндиликда қаттиқроқ ишлашга ҳаракат қиламан. Мукофотни қўлга киритганимда барча яқинларим мени табриклашди. Фақат раҳматли дадам шундай хурсандчилик кунда ёнимда бўлмаганлари кўнглимни бироз хижил қилди.

Ҳозир хонандалик ва актрисалик фаолиятимни тенг давом эттиришга ҳаракат қиляпман. Яқин кунларда мен суратга тушган тўртта фильм катта экранларга чиқади. Шулардан иккитасида бош ролни ижро этганман. Самандар Ҳамроқулов билан халқ қўшиқларидан иборат «Қаро кўзим»ни қайтадан дуэт тарзида ижро этдик. Бу ижод намунамизни ҳам мухлислар эътиборига ҳавола этамиз.

Мен барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг азиз, энг улуғ кун — Мустақиллик байрами билан чин қалбдан табриклайман.

**Малика ЭГАМБЕРДИЕВА:**

— Ўтган йили «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида учинчи ўринни олганимда роса хурсанд бўлгандим. Мана, бу йил «Ниҳол»ни қўлга киритдим. Буларнинг барчаси учун энг аввало Юртбошимизга раҳмат айтмоқчиман. Айнан у кишининг ташаббуси билан мамлакатимизда шу каби танловлар ўтказиб келиняпти. Бу биз ёшларга катта имконият эшигини очмоқда. Мукофотни олганимга қарийб бир ҳафта бўлса-да, ишонсангиз, ҳалигача ҳаяжон мени тарк этгани йўқ. «Ниҳол» мукофотининг совриндори деган номни кўтариб юриш осон эмас. Санъаткор унга чиндан ҳам лойиқ эканлигини исботлай олиши керак. Яқинда Рислиғой Ҳотамова шеъри билан «Бахтиёрлар диёри» қўшиғини ёздим. Шу кунларда мухлислар эътиборига ҳавола этишни мўлжаллаб турибман. Бундан буёғига фақат томошабинларга ёқадиган қўшиқлар яратишга ҳаракат қиламан.



**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Темур АЪЗАМ ёзиб олди.**

*Францияда нашр этиладиган машҳур ва оммабоп журналлардан бири — «Le Figaro» газетасининг якшанба куни чиқадиган иловаси ҳисобланган «Le Figaro Magazine»да «Бухоро ва Самарқанд — афсонавий шаҳарлар» сарлавҳали ранг-баранг суратлар билан безатилган мақола эълон қилинди.*

# «LE FIGARO»:

## қадимги ва ҳозирги замон йўллари чорраҳасида

*Мақола муаллифлари — журналист Жан-Луи Трамблэ ва сураткаш Эрик Мартин ўтган йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонга сафар қилишган ва ўша пайтда уларнинг сафар таассуротлари ҳақидаги биринчи — «Ўзбекистон: Амир Темур изидан» сарлавҳали мақоласи нашр этилганди.*

*«Le Figaro Magazine»да таъкидланишича, европаликлар учун мазкур афсонавий шаҳарларнинг илк кашфиётчиларидан бири XIII асрда ушбу минтақага ўзининг машҳур саёҳатини амалга оширган италиялик саёҳатчи Марко Поло бўлган.*

*«Le Figaro Magazine»да чоп этилган мақола шуниси билан эътиборлики, унда Ўзбекистонга саёҳат уюштиришни истовчи туристлар учун мамлакат географиясига оид фойдали маълумотлар келтирилган. Хусусан, унда Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг асосий диққатга сазовор жойлари тасвирланган, маҳаллий меҳмонхоналар, мамлакат сайёҳлик агентликлари ва туроператорлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, унда Тошкент-Париж-Тошкент йўналиши бўйича тўғридан-тўғри авиақатновларини амалга оширувчи «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳақида ҳам маълумот берилган.*

**«Жаҳон» АА,**
Париж

# Мактаб ярмаркалари

***ота-оналар ва ўқувчилар учун қулайлик яратмоқда***

**Тараддуд**

■ Сурхондарёда ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарслик-қўлланмалар, ўқув қуроллари, ўқувчилар кийими билан таъминлаш мақсадида мактаб ярмаркалари ўтказиляпти.

— Айни кунларда жойлардаги 102 та таълим муассасида мактаб ярмаркалари ташкил этилган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармасининг ходими Нигора Мирзақулова. — Бу мактабларга 562 та мактаблар яқин жойлашганлигини ҳисобга олсак, бу имконият туфайли 300 мингдан зиёд ёшлар ўзларига керакли нарсаларни харид қилишмоқда. Ярмаркаларда 27 турдаги арзон ва сифатли ўқув анжомлари сотувга қўйилган. Ярмаркалар 10 сентябрга қадар давом этади.

— Уч нафар фарзандимга кийим-бош ва ўқув қуроллари олаяпман, — дейди Олтинсой туманининг «Қўшарча» маҳалласида истиқомат қилувчи Азиза Жумаева. — Илгари бундай анжомларни олиш учун шаҳарга борардик. Бугун шаҳардан олис қишлоқларда ҳам шундай шароитлар яратилганидан хурсандмиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




SAVDOGAR BANK

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

«САВДОГАРБАНК»

очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоаси

Барча юртдошларимизни, ўз акциядорлари ва мижозларини яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллиги куни билан самимий табриклайди.

Барчага соғлиқ-саломатлик, ишларида омад тилайди. Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!



Шодиёна муносабати билан юртимиз аҳолисини табриклаб «Савдогарбанк» қуйидаги омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

«ЁЗ ИФОРИ» муддатли омонати — йиллик 18%, муддати — 1 ойдан 3 ойгача.

«ҚУВОНЧ» муддатли омонати — йиллик 24%, муддати — 3 ойдан 12 ойгача.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

«КОМФОРТ» муддатли омонати — йиллик — 6%, 3 ой муддатга.

«УНИВЕРСАЛ» муддатли омонати — йиллик — 6%, 6 ой муддатга.

«ЭЛИТ» муддатли омонати — йиллик 7%, 12 ой муддатга.

СИЗ АЗИЗЛАРНИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 215-50-83, 254-18-65.

Хизматлар лицензияланган

Web site: www.savdogarbank.uz    E-mail: info@savdogarbank.uz



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
*8091 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 22.50
1 2 4 5
Sotuvda erkin narxda